



“Тасдиклайман”

Коракүл ТЙФУК

Б. Ю. Отаконов

2022 йил

І. Танлов предмети  
негізгіліктерінде көмекші

Мағоздан көмекшілік жүргізу

Юк міндеттесінде (1986)

Актау (жм), 726 км

Ретардан (тн/км): 192 000 тн/км

Танлов мөндағынан барында (КСРД, 706 74)

## Бажарувчи ташкилотни танлов олиш учун

### ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

- 1.1. Танлов хужжаттарынан танлов мөндағынан барында жүргізу мүмкін болады.
- 1.2. Танлов хужжаттарынан танлов мөндағынан барында жүргізу мүмкін болады.
- 1.3. Танлов хужжаттарынан танлов мөндағынан барында жүргізу мүмкін болады.
- 1.4. Танлов хужжаттарынан танлов мөндағынан барында жүргізу мүмкін болады.
- 1.5. Танлов хужжаттарынан танлов мөндағынан барында жүргізу мүмкін болады.

Коракүл ш - 2022 йил

- 2.1. Коракүл ТЙФУК (бұлдағы зерттеу - “Буортмаң” АО атанды) танлов ташкилотчысынан барында.

### Танлов хужжатларининг мазмуні:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

# **Танлов иштирокчиси учун йўриқнома**

## **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

### **1.1. Танлов предмети Қоракўл ТЙФУКга қарашли объектларга хомашё ташиш хизмати**

Материал номи: Қум шагал аралашмаси

Юк миқдори (тонна) : 1 500

Масофа (км) : 128 км

Товар сони (тн/км): 192 000 тн/км

Тн/км бошланғич баҳоси (ҚҚС сиз) : 705 сўм

Жами бошланғич сумма : 135 360 000 сўм

- 1.2. Танлов охирги қиймати - 135 360 000 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.3. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинади.  
Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб йил давомида 2022 йил 31 декабрга қадар
- 1.5. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## **2. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

- 2.1. **Қоракўл ТЙФУК** (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.  
**“Буюртмачи” манзили:** Бухоро вилояти Қоракўл туман Ҳасанак кўчаси 1-йй.  
**Эл.адрес bux.qorakul@uzavtoyl.uz**
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 2.3. Танлов Қоракўл ТЙФУК “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловга иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар кўйилади:
  - Ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
  - Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳукуқий лаёкат ва ваколатлар;
  - Танлов обьектига ўхшашиб обьектларга ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
  - Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
  - Танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми ( 50 %дан кам бўлмаган ҳолда).
- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаш зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этиш рухсат берилмайди:
  - Қайта ташкил этиш (ажратилиш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
  - Мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳукуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

### 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

- 4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([xarid.uzex.uz](http://xarid.uzex.uz)) порталга электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.
- 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.
- 4.3. Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:
  - Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуйидаги техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
  - Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўлов талаблари ва якуний тўловлар, ҳамда бошқа кўрсаигичлар кўрсатилган бўлиши керак
- 4.4. Танлов иштирокчиси : - ФАҚАТ БИРТА таклиф бериши мумкин;

Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартериш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

- 5.1. Таклифлар муддати узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши карори асосида амалга оширилади.
- 5.2. Танлов муддатини узайтириш түғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталыда жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Давлат харидлари түғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
- 6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдирлар.
- 6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилганидан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

- 7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартериш киритиш түғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Танловни (ишни, хизматни) ўзгартеришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартеришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш түғрисидаги эълонга ўзгартериш киритилади.
- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориш шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

- 7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда, ундан олдин олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиши тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундан сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Тузди: Ш. Курбонов



Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун шурикнома  
II. Техникик исом  
III. Нарслар исоми